

Хашимова Сабоҳат Абдуллаевна
Филология фанлари номзоди (PhD), доцент
Тошкент давлат шарқшунослик институти

ХОЗИРГИ ХИТОЙ ТИЛИДА “СЎЗ ЯСАЛИШИ” ҲАҚИДА

Аннотация: мазкур мақола ҳозирги хитой тилида сўз ясалиши масаласига қаратилган бўлиб, бунда сўз ясалиши диахрон ва синхрон тарзда хитой тили доирасида ривожланиши, турли тилшунос олимларнинг ушбу масала бўйича фикр-мулоҳазалари таҳлил қилинган.

Калит сўз ва сўз биримлари: морфема, сўз ясалиши, сўз ясаш усули, ясама сўзнинг тақриби, сўз ясовчи морфема, шакл ясовчи морфема, лексема, аффиксоид, формант.

Аннотация: данная статья повествует о словообразовании в современном китайском языке, диахроническом и синхроническом развитии данного предмета в рамках китайского языка, приводятся научные точки зрения различных учёных-лингвистов.

Ключевые слова и словосочетания: морфема, словообразование, способ словообразования, структура сложного слова, словообразовательная морфема, формообразовательная морфема, лексема, аффиксоид, формант.

Abstract: this article tells about word formation in modern Chinese, the diachronic and synchronous development of this subject within the Chinese language, the scientific points of view of various linguistic scholars are given.

Key words and phrases: morpheme, word formation, word formation method, compound word structure, word formation morpheme, morpheme morpheme, lexeme, affixoid, formant.

Тилшуносликда “сўз ясалиши”га оид асосий тушунчаларни тўла ва тўғри белгилаш, улардан ҳар бирининг моҳиятини тўғри аниқлаш сўз ясалиш тизими билан боғлиқ барча ҳодисаларнинг моҳиятини тўлалигича, тўғри ёритиш имкониятини беради. Бу тушунчалардан ҳар бирини аниқ белгилаш ва моҳиятини тўғри ёритиш бошқасининг ҳам шундай муваффақиятли ҳал этилишига йўл очади. Шу ўринда, умумий тилшуносликда бўлгани каби хитой тили сўз ясалишига оид асосий тушунчалар қўйидагилар: 1) “сўз ясаш” (“сўз ясалиши”, 2) “сўз ясаш усули”, 3) “ясама сўзнинг тақриби”, 4) “сўз ясалиш асоси”, 5) “сўз ясовчи”, 6) “сўз ясалиш маъноси”, 7) “сўз ясалиш типи”, 8) “маҳсулли” ва “маҳсулсиз”¹. Сўз ясалиши ҳақида гапирав эканмиз, аввало

¹ 陆志韦。汉语构词法。北京, 1964。- 页 13。

юқорида айтиб ўтилган тушунчалар хақида аниқ тасаввурга эга бўлиш даркор деб ўйлаймиз.

1) “Сўз ясаш” (“сўз ясалиши”) бирикмаси икки маънога эга: 1) умуман янги сўз ҳосил қилиш; 2) тил бирликлари ёрдамида, маълум усул билан сўз ҳосил қилиш. Айнан шу иккинчи маъно билан “сўз ясаш бирикмаси” лингвистик термин ҳисобланади, лингвистик тушунчани билдиради. Бу бирикманинг “сўз ясалиш” шакли ҳам кенг қўлланади. Унинг қайси нисбат шакли эканлигига эътибор бериш лозим. Чунки бу нарса “сўз ясаш” (“сўз ясалиши”, “сўз ҳосил бўлиш”) билан боғлиқ ҳодисаларнинг моҳиятини белгилашда роль ўйнайди. “Сўз ясалиши” тилшуносликнинг алоҳида соҳаси (бўлими) сифатида, сўз ясаш ва у билан боғлиқ бирликлар, ҳодисалар ҳақидаги, умуман айганда, сўз ясалиши тизими ҳақидаги таълимотдир. “Сўз ясаш” термини тил бирликлари ёрдамида маълум усул билан сўз ҳосил қилишни билдирадар экан, биринчи галда, ана шу масалага – сўз ясаш усули масаласига тўхташга тўғри келади. “Сўз ясаш усули” тушунчаси сўз ясалиши бўлимининг асосий тушунчалардан бири десак хато бўлмайди. Унинг моҳиятини тўғри англамасдан, аввало, сўз ясашнинг қандай усули ёки усувлари борлигини аниқ белгилаб бўлмайди².

2) Сўз ясаш усули (усуллари) бўйича жуда кўп ишлар килинди, кўп гаплар айтилди. Бироқ хитой тилшунослигига бу ҳодисанинг моҳияти шу вақтга қадар аниқ белгилангани, бу масалада бир фикрга келингани йўқ. Натижада, сўз ясалишига оид жуда кўп ҳодисаларнинг моҳияти тўғри ёритилмаётганлигидан ташқари, “сўз ясалиши” баҳсида бу тизимга алоқаси бўлмаган нарсалар ўрин олиб келяпти. Бу ҳам ясама сўз билан боғлиқ масалаларни тўғри ҳал этишга ўз салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Демак, сўз ясаш усули масаласида тўғри ва аниқ бир хulosага келиш сўз ясалишига оид ҳодисаларни аниқ белгилаб олишга, уларнинг моҳиятини тўғри ёритишга йўл очади. Бунда ўзга тилларга оид қоидалар, таърифлар асосида эмас, бевосита хитой тилининг ўз материаллари асосида иш кўриш талаб қилинади.

3) Ясама сўзнинг таркиби уни ташкил этувчи қисмлардан иборат бўлади. Ясама сўз сўз ясалиш асосига сўз ясовчини қўшиш орқали ҳосил бўлади. Бинобарин, ҳар бир ясама сўз ана шу икки қисмдан иборат бўлади, яъни сўз ясалиш таркиби сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчиidan тузилади. Ясама сўз туб сўз, шунингдек, ясама сўздан ҳосил қилиниши мумкин. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам ясама сўзнинг таркиби икки қисм (компонент)дан ҳосил бўлади.

4) Сўз ясалиш асоси билан сўз ясовчининг моҳиятини тўғри белгилаш, умуман, сўз ясалишининг, ясама сўзнинг моҳиятини тўғри белгилаш имконини

² А.Хожиев. Ўзбек тили сўз ясалиш тизими. – Т., 2007. – Б. 6.

беради. Хитой тилшунослигига анча вақтларгача бу бирлик қайд этилмас эди. Фақатгина сўз ясовчи аффиксларнинг у ёки бу сўз туркумига оид сўзлардан сўз ясалиши қайд этилар эди. Лекин бу нарса сўз ясалиши билан боғлиқ бирор ҳодисанинг, жумладан, сўз ясалиш асосининг моҳиятини акс эттира олмайди. Чунки, биринчидан, ҳеч қайси сўз ясовчи бирон туркумга оид сўзларнинг ҳаммасидан сўз ясамайди. Иккинчидан, сўз ясалишига асос бўладиган сўзни от, сифат, феъл деб аташ сўз ясалиш асосининг материал томонинигина акс эттиради ва сўз ясалиши нуқтаи назаридан, сўз ясалиши асосининг моҳияти нуқтаи назаридан ҳодисани (сўз ясалиш бирлигини) акс эттира олмайди. Шунингдек, сўз ясалиш асосига нисбатан сўз, лексема терминлари аралаш қўлланиб келмоқда. Ҳатто, ясама сўзнинг ўзи ҳам “сўз”, “лексема” деб номланиб келмоқда. Бу ҳам лисоний бирлик ва нутқ бирлигини фарқламаслик билан боғлиқ, албатта. Лекин бунга йўл қўймаслик керак, акс ҳолда ясама сўз таркибий қисмларининг ва ясама сўзнинг ўз моҳияти белгиланмай қолаверади. Оқибатда сўз ясалиши, ясама сўз билан боғлиқ бошқа ҳодисаларнинг моҳиятини белгилаш мумкин бўлмайди. Сўз ясалиш асоси сўз ясалиши сатҳига хос бирлик экан, унинг моҳияти шу нуқтаи назардан белгиланиши лозим бўлади. Бу эса, ўз навбатда, ясама сўзнинг моҳиятини белгилашга йўл очади.

Сўз ясалиши асоси ҳақида гап борганида, биринчи навбатда, унинг қандай бирлик экани, яъни лисоний бирликоми ёки нутқ бирлигими, лексемами ёки сўз эканини аниқ белгилаш шарт. Шундагина сўз ясалиши билан боғлиқ бошқа ҳодисаларни ҳам тўғри ва аниқ ёритишга йўл очилади. “Сўз” деганда, умуман, лугавий бирлик эмас, маълум бир (муайян) грамматик шаклдаги лугавий бирлик тушунилиши маълум. Шу нуқтаи назар билан ёндошилса, сўз ясалиш асосини сўз дейиш мумкин бўлмайди. Чунки у ясама сўз таркибида грамматик шаклга эга бўлмайди. Демак, сўз ясалиш асосига нисбатан “сўз” атамаси худди шу маънода – “сўз ясалиши учун асос бўлувчи лугавий бирлик” маъносида қўлланади.

5) Ҳар қандай ясама сўзнинг таркиби икки қисмдан – сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчидан иборат бўлади. Янги сўз ясашда доим шу икки компонент иштирок этиши сабабли айрим ишларда, айниқса рус тилига оид ишларда, сўз ясалиш асоси ҳам, сўз ясовчи ҳам “ясовчи” дейилаверади. Ўзбек тилшунослигига бу ҳақда А.Бердиалиев “Ўзбек тилида сўз ясовчи қўшма аффикслар” номли номзодлик диссертациясида³ қуйидагича фикрни билдиради: “...ўзбек тилида аффиксал сўз ясалиши соҳасида ясовчи элемент” деб, одатда, фақат аффикснинг ўзи қараб келинган, ўзак-негиз ясовчи элемент сифатида қаралмаган, шунга қўра у семантик жиҳатдан кенг таҳлил қилинмаган, ҳолбуки,

³ А.Бердиалиев. Ўзбек тилида сўз ясовчи қўшма аффикслар. Ф.ф.н.дис. – Т., 1970.

масалан, “ипакчи” сўзининг ҳар икки элементи ҳам ясовчилардир... “ипакчи” сўзи “ипак” ва “-чи” элементларидан ҳосил қилинган”.

Сўз ясалишида икки қисм – сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчи иштирок этиши, ясама сўз шу икки қисмнинг бирикувидан ҳосил бўлиши тўғри. Лекин фақат шунга асосланиб, моҳиятдан бир-биридан фарқли бўлган сўз ясалиш бирликларини (сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчини) бир хил ном билан, яъни “сўз ясовчи” деб аташ ҳеч бир жиҳатдан мақбул эмас. Мақбул эмаслигидан ташқари, бу нарса муайян тил бирлигига хос моҳиятни сеза билмаслик, фарқламасликдан бошқа нарса эмас. Сўз ясалишида иштирок этувчи бу икки компонент маъноси, вазифаси ва бошқа хусусиятлари билан бир-биридан фарқланади. Шунга кўра, буларнинг ҳар бирини, ўз маъно ва вазифаси асосида, алоҳида ном билан аташ лозим⁴.

“Сўз ясалиш асоси” термини ясама сўзининг шу компонентининг умумий хусусиятига кўра атайди. Бунда унинг материал жиҳатидан қандай бирлик экани акс этмайди. Масалан, ўзбек тилидаги “терим” сўзининг “тер” қисми (ясама сўзининг таркибий қисми сифатида) сўз ясалиш асоси, материал қисми сифатида – лексема, туб сўз, феъл. “Теримчи” сўзининг “терим” қисми – сўз ясалиш асоси, материал қисм сифатида – ясама сўз, от.

“Сўз ясовчи” термини ҳам ясама сўзининг иккинчи таркибий қисмини умумий хусусиятига кўра атайди ва бу номда унинг материал жиҳатдан қандай бирлик экани акс этмайди. Масалан, “рангдор”, “қабулхона”, “камчиқим” сўзларидаги “-дор”, “-хона”, “кам-“ сўз ясалиш бирлиги сифатида сўз ясовчи ҳисобланади. Материал бирлик сифатида эса “-дор” – аффикс, “-хона” – аффиксоид, “кам” – ёрдамчи сўз. Демак, “сўз ясовчи” деганда, сўз ясалиш асосига нисбатан олиниб, унга қўшиладиган ва ясама сўзни ҳосил қиласиган компонент тушуниллади. Ана шундай тушунилганда, аталганда сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчи терминлари ҳар бир бирликнинг (yasama сўз компонентларнинг) моҳиятини, уларнинг ўзаро фарқини аниқ акс эттиради ва сўз ясалиш бирликларининг атамаси ҳисобланади.

Сўз ясовчи вазифасида аффикс, аффиксоид, ёрдамчи сўз қўлланади. Рус тилшунослигига сўз ясовчиларнинг бурча турлари учун умумлаштирувчи “словообразовательнкй формант” термини қўлланади. Хитой тили сўз ясовчиларига нисбатан ҳам, худди ўзбек тилидагидек, ўрни билан, умумлаштирувчи “формант” сўзини (“сўз ясовчи формант” терминини) қўллаш мумкин.

Хитой тилида сўз ясаш учун аффиксал морфемалар хизмат қилиши маълумдир. Шунингдек, аффикслар ёрдамида сўз формалари (шкаллари) ҳосил

⁴ А.Хожиев. Ўзбек тили сўз ясалиш тизими. – Т., 2007. – Б. 21.

қилиниши ҳам маълум. Хитой тилига оид адабиётларда бу ҳодисалар қайд этилган ва сўз ясовчи аффикслар билан форма ясовчи аффиксларнинг ўзаро фарқли белгилари ҳақида аниқ гаплар айтилган. Бироқ бу масалада аниқ бир фикрга келинмаган, мунозарали ўринлар ҳам йўқ эмас. Шундай экан, сўз ясаш таҳлилига оид ишда, биринчи навбатда, сўз ясовчи бирликнинг моҳиятини, ўзига ёндош бўлган бирликдан фарқини белгилаб олиш лозим бўлади.

Сўз ясовчи ва форма ясовчилар ҳақида проф. А.Ғуломов, жумладан, қуйидагиларни ёзди: “Сўз ясовчи аффикслар ўзак-негизга қўшилиб, лексик маънони ўзгартириб, янги сўз ҳосил қиласди...”. Форма ясовчи аффикслар янги сўз ҳосил қилмайди, маънони кескин равишда юошқа қилиб юбормайди, балки ҳар хил оттенкаларп орттиради...булар грамматик маънога эга бўлади”⁵. Бундай таъриф ҳодисанинг моҳиятини аниқ ифода этмаса-да, сўз ясовчи билан форма ясовчининг фарқини кўрсата олади.

Лисоний бирлик бўлмиш морфеманинг (ясовчи морфеманинг) икки тури мавжудлиги маълум. Улар ўз моҳияти асосида моҳиятан бир-биридан фарқли бўлган тил бирликлари ҳосил қиласди: сўз ясовчилар лисоний бирликларни – луғавий бирлик (лексема)ни, форма (шакл) ясовчилар эса нутқий бирлик – сўз шаклини ҳосил қиласди. Шунинг учун ҳам сўз ясалиши тил луғат қатламишининг бойишида асосий йўл ҳисобланади. Маълумки, “сўз” деганда лексеманинг нутқда воқеаланган ҳолати тушунилади. Бошқача айтганда, сўз нутқий бирлик ҳисобланади. Шунга кўра, “сўз ясаш” деб аталаётган ҳодисани “лексема ясаш” деб аташ унинг моҳиятига мос келади⁶. Лекин тилшуносликда ҳозирга қадар давом этиб келаётган анъанага кўра “сўз ясаш” (“сўз ясалиши”) атамасини қўллайвериш мақсадга мувофиқ. Лексема ўрнида “сўз” атамасининг қўлланиши яна бошқа ҳодисаларда ҳам қузатилади. Масалан, “сўзнинг шакл ва маъно жиҳати”, “сўзнинг аташ (номлаш) вазифаси”, “ясама сўз” ва б. Демак, лексема сўзи ўрнида “сўз атамасини қўллаш умумий ҳолат ҳисобланади”⁷.

6) Сўз ясалиш тизимини тўғри таҳлил этишда сўз ясалиш маъноси тушунчаси муҳим ахҳамиятга эга. Сўз ясалишига оид кўпгина ҳодисаларнинг, жумаладан, ясама сўзнинг моҳиятини тўғри белгилаш кўп жиҳатдан сўз ясалиш маъносини тўғри англаш билан боғлиқ. Юқорида қайд этилганидек, ясама сўзнинг маъноси унинг таркибий қисмлари – сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчи – маъноси асосида юзага келади, шу сабабли ҳам унинг маъносини шу қисмлар маъноси билан асослаш мумкин бўлади. Лекин бу сўз ясалиш маъноси ясама сўзнинг маъносига teng, деган гап эмас.

⁵ А.Ғуломов. Ўзбек тили грамматикаси. - 1-т., Т., 1975. – Б.82-83.

⁶ Ш.Рахматуллаев. Тил қурилишининг асосий бирликлари. – Т., 2002. – Б. 16.

⁷ А.Хожиев. Ўзбек тили сўз ясалиш тизими. – Т., 2007. – Б. 25.

Сўз ясалиш маъноси лингвистик адабиётларда турлича талқин этиб келинди. Масалан, Ш.Мирзақуловнинг номзодлик диссертациясида сўз ясалиш маъноси баъзи холларда сўз ясовчи формант маъносига тенглаштирилади, бошқа холларда эса сўз ясалиш асосидан келиб чиқувчи маъно деб таърифланади⁸.

Сўз ясовчининг таҳлилида кўрдикки, ҳар қандай сўз ясовчи бирдан ортиқ сўз ясади. Биргина сўз таркибида мавжуд бўлган ва ташқи кўринишдан ясовчи қўшимчадек кўринган нарса сўз ясовчи бирлик бўла олмайди. Чунки якка ҳодисалар тизимдан ўрин олмайди. Шунга кўра, конкрет бир сўзниң ўзига хос маъноси сўз ясалиши тизимиға хос маъно бўла олмайди. Ана шу фактнинг ўзиёқ кўрсатадики, айни бир сўз ясовчи ёрдамида ҳосил қилинган сўзлар маъносида ҳар бир ясама сўзга конкретлик билан бирга, улар учун умумий бўлган қисм ҳам бўлади. Демак, ҳар бир ясама сўзниң маъносида фарқловчи ва умумий сема бўлади. Муайян сўз ясовчи ёрдамида муайян умумий сема асосида ҳосил қилинган сўзлар маъноси сўз ясалиш маъноси дейилади. “Сўзни маъноси” лексикологияга оид тушунча бўлса, “сўз ясалиши маъноси” сўз ясалиши баҳсига оид тушунча ҳисобланади. Худди ана шу тушунчанинг моҳияти асосида сўз ясалишига оид бошқа тушунчаларнинг моҳияти ёритилади.

7) Бир хил сўз ясалиши маъносига эга бўлган ясама сўзлар сўз ясалишининг бир типини ташкил қиласи. Масалан, спорт ўйини турини билдирувчи 排球 “paiqiu” “волейбол”, 篮球 “lanqiu” “баскетбол”, 足球 “zuqiu” “футбол” каби сўзлардан ясалган 排球员 “paiqiu yuan” “волейболчи”, 篮球员 “lanqiu yuan” “баскетболчи”, 足球员 “zuqiu yuan” “футболчи” сўзлари “-чи” “yuan” 员 аффикси билан ясалган ашҳс отларининг бир типи ҳисобланади. “Сўз ясалиш типи” тушунчаси сўз ясалиш сатҳига оид энг асосий тушунчалардан биридир. Бир хил сўз ясалиш маъносига эга бўлишнинг сабаби эса бундай ясама сўзларнинг бир хил лексик-семантик гурухга оид сўзлардан бир сўз ясовчи ёрдамида ҳосил қилинишидир. Шунга кўра сўз ясалиш типига “маълум бир лексик гурухга оид сўзлардан муайян бир сўз ясовчи ёрдамида ҳосил қилинган, бир хил сўз ясалиш маъносига эга бўлган сўзлар бир сўз ясалиш типини ҳосил қиласи”⁹ деган таъриф берилса ҳодисанинг моҳияти тўғри ва тўла акс этади. Сўз ясалиши типининг таърифига эътибор берилса, унда бир хил сўзларнинг такрорланишини кўрамиз, масалан: бир лексик-семантик гурух, бир хил сўз ясалиш маъноси, бир сўз ясовчи. Бу нарса сўз

⁸ Ш.Мирзақулов. Ўзбек тилида сўз ясалиши маъноси ва парадигмаси. Автореферат. – Самарқанд, 1995. – Б. 15.

⁹ 陈光。汉语词法论。北京, 2001。- 页 8。

яалиш типи “умумийлик” билан характерланишини кўрсатади. Умумийлик эса системага хос, тизимни белгиловчилардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам сўз яалиш типининг ўзиёқ сўз яалиш сатҳи ўз тизимиға эгалигидан далолат беради. Сўз яалиш ҳодисасига эга бўлган сўз туркумларининг барчасида сўз яалиш типлари мавжуд. Ҳар бир сўз туркуми сўз яалишидаги сўз яалиш типлари мажмуи шу сўз туркуми сўз яалиш тизимини ташкил этади ва “от яалиш тизими”, “феъл яалиши тизими” каби атамалар билан юритилади¹⁰.

8) Хитой тилшунослигига маҳсулли ва маҳсулсиз терминлари сўз ясовчиларга ва сўз яалиш усулига нисбатан қўллаб келинди, яъни маҳсулли ва маҳсулсиз сўз ясовчиларга ва сўз яаш усуllibарига, ҳатто сўз яаш моделлари, сўз яаш қолипларига хос ҳодиса деб қаралмоқда. Бу ҳол ҳар бир ҳодиса (тушунча)нинг моҳиятини тўғри англамаслик, моҳиятини тўғри акс эттирувчи муайян маъноли термин қўлламасликнинг оқибатидир, ҳодисанинг моҳияти тўғри белгиланмаслигини кўрсатувчи фактдир. Маҳсулли-маҳсулсиз ҳақида гап борар экан, аввало, унинг моҳиятини ва сўз яалишига оид қайси тушунча билан боғлиқлигини аниқ белгилаб, шу асосда иш кўриш талаба этилади. Бунда, биринчидан, “маҳсулли ва маҳсулсиз” деганда қандай ҳодиса тушунилиши, иккинчидан, бу ҳодисанинг сўз ясовчига, сўз яаш усулига ёки сўз яалиш моделига оидлиги аниқ белгиланиши ҳамда ўзи алоқадор бўлган ҳодиса доирасида ўрганилиши лозим бўлади.

“Маҳсулли-маҳсулсиз” (“Унумли-унумсиз” терминидаги маҳсулли (унумли) сўзи “маҳсули бор” ва “сермаҳсул” маъноларида бефарқ қўлланиб келаётгани маълум. Бу ўринда икки ҳодисани фарқлагш лозим: 1) янги сўз яалиши ёки ясалмаслиги; 2) кам миқдорда ёки кўп миқдорда сўз яалиши.

Биринчи ҳоисанинг моҳиятини “маҳсулли-маҳсулсиз” термини тўғри ва аниқ акс эттиради. Яъни янги сўз яалаётган бўлса, маҳсулли, янги сўз яалиши йўқ бўлса, маҳсулсиз бўлади. Иккинчи ҳодисанинг моҳиятига эса “каммаҳсул-сермаҳсуллик” термини мос келади. Яъни кам миқдорда сўз яалса, каммаҳсул, кўп миқдорда сўз яалса, сермаҳсул бўлади.

Муайян тилнинг ўзаро алоқадаги сўз яалиш типлари мажмуи сўз яалиши тизими ҳисобланади. Шунинг учун ҳам сўз яалиши билан боғлиқ ҳодисалар ва уларнинг моҳияти ҳар бир ясама сўзнинг ёки ҳар бир сўз яалишининг ўзи мисолида эмас, сўз яалиш типи мисолида ёритилиши керак. Шу асосда сўз яалиш тизимининг таҳлили юзага келади.

Хитой тилида “сўз яалиши” терминини таърифлаш унинг турли хил маънога эга эканлиги билан боғлиқ. Анъанавий тарзда “сўз яалиши” деб

¹⁰ А.Хожиев. Ўзбек тили сўз яалиш тизими. – Т., 2007. – Б. 40.

мавжуд бўлган сўз бирликлари негизида янги сўзларнинг ҳосил қилинишига айтилади. Шунга асосан, сўз ясалиши тилнинг луғавий таркибининг турли усуллар билан бойитилиши сифатида ифодаланди. Янги сўзлар тилда амал қилувчи қоидалар, шунингдек муайян тил механизмини акс эттирувчи моделлар бўйича ҳосил қилинади. Уни ифодалаш учун ҳам “сўз ясалиши” атамаси қўлланади. Бу холда у ёки бу тилда янги сўзларни яратиш усуллари назарда тутилади. Бундан ташқари, “сўз ясалиши” термини билан ҳосила сўзларнинг тузилиши, ҳосила сўзлар тизими ва шу каби тушунчалар ҳам ифодаланди. Маълумки, сўз ясалишининг обьекти бўлиб сўз ҳисобланади ва у лингвистиканинг бошқа бўлимларида ҳам ўрганилади. Сўз ясалишининг тилшуносликнинг сўзни ўрганувчи бошқа бўлимларидан бўлган фарқларидан бири шундаки, у тилнинг барча сўзларини эмас, балки фақат ҳосила сўзларнигина ўрганади. Бунда ҳосила сўзлар “тилнинг луғавий таркибининг алоҳида олинган бирликлари сифатида эмас, балки уларнинг тегишли ҳосил қилувчиларга муносабати, уларнинг ўз сўз ясалиши структураси – сўз ясалиши усули, ясалиш модели ва ҳ.к.лар бўйича бир хил бўлган, бошқа ҳосилалар билан бирга ўрганилади. Шундай қилиб, сўз ясалишида ўрганиладиган тил бирликлари сифатида нафақат ҳосила сўзлар, балки муайян категориялар, ҳосила сўзларнинг формал ва семантик белгиларга эга бўлган бирикмалари ҳам кўриб чиқилиши керак”¹¹.

Умумий равишда қабул қилинган сўз ясалишини сўзларнинг қўшилиши ва сўз ясалишига ажратилишига мувофиқ, одатда, сўз ясовчи конструкцияларнинг иккита асосий синфи – мураккаб сўзлар ва ҳосила сўзлар кўрсатилади. Е.Кубрякова “ҳосила сўз” атамасига кенгроқ маъно беради: ҳосила деганда “ҳам аффиксал тузилмалар, ҳам мураккаб сўзлар, ҳам абревиатуралар, ҳам конвертланган бирликлар (яъни маҳсус сўз ясовчи элементсиз ясалган) ва иккиламчи сўз ясовчи конструкцияларнинг барча турлари”¹² тушунилади. Мазкур таърифга кўра ҳосила сўз камида битта тўла маъноли морфемага ва аффиксга ёки бир нечта тўла маъноли морфемага эга бўлиши керак.

“Ҳосила сўз” терминига шундай ёндашув хитойлик лингвистларнинг айрим ишларида ҳам учрайди. Чунончи, 思想 “sixiang” – “фоя”, “мафкура”, “фикр” сўзини тавсифлаб, Ван Ли уни ҳосила сўзларга 派生词 “paishengci”га киритади, чунки у иккита ҳосила бўлмаган 思 “si” – “фикрлаш”, “ёдга олиш” ва 想 “xiang” – “фикрлаш”, “хаёл суриш” сўзлардан ясалган.

¹¹ Xun Chanxu. Hanyu cihui. – Changchun, 1956. – 493 б.

¹² Кубрякова Е. Типы языковых значений. Семантика производного слова. – М., 1981. – С.24.

Цуй Фуань ҳам сўзларни қўшиш ёки ўзакларни қўшиш йўли билан ясалган сўзларни ҳосила сўзларга киритади.

Тилшуносликда тарихий (диахроник) ва тавсифланадиган (синхроник) сўз ясаш ажратилади. А.Хаматова фикрича, “Синхрон сўз ясаш бирга мавжуд бўлган бирликларнинг муносабатини, диахроник эса – бир турдаги бирликларнинг бошқаларига айланиш жараёнини ўрганади”¹³. Сўз ясашнинг муҳим вазифалари қаторига синхроник сўз ясаш усусларини ўрганиш киради.

Модомики замонавий хитой тилининг кўп сўзлари ўзаро боғланган, муайян структурани ифодалайдиган морфемалардан тузилган экан, сўз ясаш вазифаларидан бири сўз тузилишини, унинг таркибий қисмларини ўрганиш ҳисобланади. Ҳосила сўзларнинг тузилишини ўрганиш билан бир қаторда уларнинг семантик структурасини ўрганиш вазифаси юзага келади. Сўз ясашнинг семантик томонини ўрганиш зарурати тўғрисида Е.Кубрякова, Г.Марчанд¹⁴, А.Хаматова, Лу Чживей ва бошқа олимлар айтиб ўтган.

Шуни таъкидлаш жоизки, юртимиз, рус ва хитой тилшунослигида сўз ясалишининг ўрни ҳақида ягона фикр йўқ. Ф.Фортунатов¹⁵, Лу Чживей¹⁶ сўз ясалишини морфология бўлимига киритадилар.

Бошқа лингвистлар сўз ясалишини морфология ва синтаксис билан бир қаторда грамматиканинг бўлимида бири сифатида ҳисобладилар. Сўз ясалишига бундай ёндашув А.Реформатский¹⁷, Гао Яочи¹⁸, Чжан Цзин¹⁹ ишларида ўз аксини топган. Сунь Чансюй²⁰, ВанЧао Юань²¹ сўз ясалишини морфология билан алоқасини таъкидлаган холда, сўз ясалишини лексикологияга киритадилар.

Сўнгги йилларда бошқа нуқтаи назар кенг тарқалган бўлиб, унда биноан сўз ясалиши – фонетика, лексикология, морфология, синтаксик каби, тилшуносликнинг мустақил бўлимиdir. Бу нуқтаи назар Е.Кубрякова²², Лу

¹³ Хаматова А. Словообразование современного китайского языка. – М.: Муравей, 2003.

– С.8

¹⁴ Marchand H. The Categories and types of Present Day English word formation. Wissbaden, 1960. - 379 p.

¹⁵ Фортунатов Ф. Справительное языкознание // Избранные труды. Т.1. – М., 1956. – С.23–197.

¹⁶ Lu Zhiwei. Hanyude goucifa. – Beijing, 1957. – 160 ye.

¹⁷ Реформатский А. Введение в языкознание – М., 1955. – 542 с.

¹⁸ Gao Yaoqi. Xiandai hanyu yufa. Henan, 1982. 266 ye.

¹⁹ Zhang Jin. Ju, cizu, juzi. – Haerbing, 1984. – 199 ye.

²⁰ Xun Chanxu. Hanyu cihui. – Changchun, 1956. – 493 ye.

²¹ 王赴航.. 动词重叠研究方法. Beijing.2003. – 64 页.

²² Кубрякова Е. Что такое словообразование? – М., 1965. – 78 с.

Чживэй²³, Жень Сюэлян²⁴, Чжан Шоукан²⁵ ва бошқаларнинг ишларида ўз ифодасини топган.

“...Сўз ясалишининг ўзига хослиги – унинг кўп қирралилиги, алоқаларининг кўп томонламалигига. Шу боис сўз ясалиш жараёнларини бир томонлама олиб қараш, масаланинг туб холатини акс эттирмайди ва сўз ясалиши масаласини анча чеклайди” - деб ёзади Е.Кубрякова. Унинг фикрича, “сўз ясалишини мустақил кўриб чиқиш фойдасига бўлган ишончли далил бўлиб сўз ясаш моделлаштиришнинг мавжудлиги хизмат қиласи. Бу ҳосила каби мураккаб комплекс бирликларни яратиш билан боғлиқ бўлган усул ва воситаларнинг тизимли уюшган йигиндиси сифатида қаралади. Шунга мувофиқ, сўз ясашнинг асосий вазифаси бўлиб сўз ясовчи моделлаштиришнинг хусусиятларини барча аспектларда – мазмунли, генетик, натижавий, структур-функционал ва б. ўрганиш ҳисобланади”²⁶.

М.Степанова таъкидлаганидек, сўз ясовчи “қонунлар ва жараёнлар, уларни ҳам лексик, ҳам грамматик қонун ва жараёнлардан фарқловчи, қатор ўзига хос хусусиятларга эга”²⁷.

Сўз ясалиши тилшуносликнинг бошқа бўлимлари билан, авваламбор, грамматика ва лексика билан боғлиқ. Бу алоқа, биринчи навбатда, тилшуносликнинг бу учта бўлими ўрганадиган обьектининг умумийлиги билан тушунтирилади. В.Немченконинг фикрича²⁸, сўз ясалишининг морфология билан алоқаси, сўз ясалишида ҳам морфологияда ҳам сўзлар уларни ташкил этган бирликлар, яъни морфемаларни инобатга олган холда ўрганилишида намоён бўлади. Синкетик морфемалар, ёки бир вақтда иккита функционал вазифани бажарувчи ҳамда сўз ясовчи ва грамматик мазмунларга эга бўлган морфемаларнинг мавжуд бўлиши морфология ва сўз ясалиш ўртасидаги алоқани тасдиқлайди. Бироқ морфологиянинг сўз ясалиши билан яқин алоқаси уларнинг бир хиллигини англатмайди. Сўз ясалишда кўпинча морфология билан бевосита алоқаси бўлмаган соҳалар ажралиб туради. Уларга сўз ясовчи моделнинг, сўз ясалиш қаторининг ясалиш техникасини, синтактик, лексик-семантический сўз ясалиши ва х.к.ларни киритиш мумкин. Сўз ясалишининг синтаксис билан алоқаси сўз қўшилиш соҳасида яққол кузатилади. Маълумки, сўз қўшилишидан ҳосил бўлган кўп сонли ҳосила сўзларнинг бошланғич базаси бўлиб, сўз бирикмалари ёки синтактик бирликлар ҳисобланади. Масалан, хитой

²³ Lu Zhiwei. Hanyude goucifa. – Beijing, 1957. – 160 ye.

²⁴ Ren Xueliang . Hanyu zaocifa. – Beijing, 1980. – 290 ye.

²⁵ Zhang Shoukan Goucifa he gouxingfa. – Hubei, 1981. – 96 ye.

²⁶ Кубрякова Е. Словообразование // Общее языкознание: Внутренняя структура слова. – М., 1972. – С.350.

²⁷ Степанова М. Словообразование немецкого языка. – М., 1953. – С.53-54.

²⁸ Немченко В. Основные понятия словообразования в терминах. – К., 1985. – С. 10.

тилида мураккаб сўз қисмлари орасида мавжуд бўлган муносабатлар, сўз бирикмалари компоненталари ўртасидаги муносабатлар билан бир хил. Сўз ясалишининг синтаксисдан фарқи мураккаб сўз ва сўз бирикмасини ажратиш мумкинлигидадир.

Сўз ясалиш лексикология билан бевосита боғлиқ. Ҳар бир сўз, тил луғавий таркибининг қисми бўлиб, лексикологик таҳлил объектини акс эттиради. Сўз ясалишининг лексикология билан алоқасини, сўз ясалиши муаммолари билан шуғулланувчи барча лингвистлар кўрсатадилар. Бироқ айримлар, масалан, У Чжанъкунъ ва Ван Цинъ бу алоқа сўз ясалишини лексикологияга қўшишга асос деб билади. Бошқалар, масалан Чжан Шоукан, аксинча, сўз ясалиш билан лексикологиянинг ўхшашлигига, улар орасидаги фарқقا ҳам эътибор берадилар.

Сўз ясалишининг лексикология билан алоқаси яна шунда намоён бўладики, тилшуносликнинг иккала бўлимида ҳам сўзлар уларнинг лексик мазмуни инобатга олинган холда ўрганилади. Лексик семантикага мурожаат этмасдан туриб, сўз ясалишини таҳлил этиб бўлмайди. Чунки факат лексик семантика орқали сўзлар орасидаги сўз тузувчи ҳосилавийликни аниқлаш, ҳосила негизини ажратиш, бинобарин, сўз ясовчи воситани, сўз ясаш усули, сўз ясаш моделини аниқлаш мумкин. Ҳосила сўзлар тилда қўлланилиб, лексика қонунлари бўйича ривожланади, яъни янги ҳосила мазмунлар касб этиши, лексикологиянинг ўрганиш предметига айланиб, бошқа сўзлар билан синонимик, антонимик ва омонимик алоқага киришиши мумкин.

Шундай қилиб, сўз ясалиши – бу тадқиқот предмети ва объектига, бирликлар ва улар орасидаги муносабатларга эга бўлган, тилшуносликнинг мустақил бўлимиdir. Шу билан бирга сўз ясалиши тилшуносликнинг бошқа бўлиmlари билан боғланган.

Хитой тилида сўзни ўрганишнинг бошланиши деб хитойли лингвистлар, милоддан аввалги III асрда яратилган Сюнь Цзининг 正名 “Zhengming” трактатини ҳисоблайдилар. Чжан Шоукан бу трактатдан бир жумлани таҳлил қилиб шуни таъкидлайдики, 约 “yue” сўзи унда 构词原则 “gouci yuanze” – сўзни тузилиш принципи маъносида ишлатилиб, қадимги хитой мутафаккирларининг хитой сўзи структурасига бўлган қизиқишини эътироф этади. Чжан Шоукан 说文解字 “Showen jiezi”, 释名 “Shiming” ва бошқа қадимиий ишларнинг хитой тилидаги сўзни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳам айтиб ўтади²⁹.

1898 йилда Ма Цзяньчжуннинг 马氏文通 “Mashi wentong” грамматикаси чоп этилди. Гарчи бу ишда, ҳозирги кунда сўз ҳақидаги фанда аввалгиларидаги

²⁹ Zhang Shoukan. Goucifa he gouxingfa. – Hubei, 1981. – Y e 83-84.

каби қадимий хитой тили таърифланган бўлсада, унда энди 同义 “*tongyi*” – “синонимия”, 对待 “*duidai*” – “антонимия”, 偏正 “*pianzheng*” – “тобеълик” каби янги терминлардан фойдаланилган.

1913 йилда нашр этилган Ху Илунинг 国语学草创 “*Guoyu caochuang*” ишида, сўз ясалиши масалалари ва шакл ясалиши ҳам кўриб чиқилади. Хусусан, Ху Илу 形式 “*xingshi*” – “шакл” деб номланган бобнинг учинчи бўлимида хизматчи морфемалар 几 “*er*” ва 子 “*zi*” тўғрисидаги масалани таҳлил қиласди, 了 “*le*” ва 着 “*zhe*” ёрдамчи сўзларнинг ролини кўрсатади. У 看 “*kan*” сўзига 了 “*le*” сўзи қўшилса, у ўтмишдаги ҳаракатни билдиришини, 着 “*zhe*” - сўз ҳозирдаги ҳаракатни билдиришини таъкидлайди. Чжан Шоукан фикрича, Ху Илунинг биринчи бўлиб хитой тилида шакл ясалишининг мавжудлигини кўрсатиб берди.

Лю Фу 中国文法通论 “*Zhongguo wenfa toglun*” ишида кўриб чиқилаётган лексик бирликларга қараб сўз ясалишини тўртта бўлимга ажратди: содда, мураккаб, дивверегент ва ажралмайдиган.

Юқорида кўрсатилган ишлар замонавий хитой тили тўғрисидаги фанни яратиш ва ривожлантириш учун асос бўлган.

Замонавий тилнинг сўз ясалиши тўғрисидаги фанни ривожлантиришга Ван Ли, Люй Шусян, Гао Минкай, Ли Цзиньси, Лу Чживэй, Ху Фу, Вэнь Лянь, Чжу Дэси, Чжоу Цзумо, Чжан Цзин, Чжан Чжигун, Чжан Шилу, Жень Сюэлян, Цуй Фуюань, Лю Шусинь каби ва бошқа лингвистлар катта хисса қўшдилар. Хусусан, Ли Цзиньси отларни сўз ясалиши нуқтаи назаридан батафсил таснифлашни биринчи бўлиб таклиф этди.

1921 йилда нашр этилган 国语讲坛 “*Guoyu jiangtan*” отлар олти тоифа бўйича ажратилган. Булар: 合成词 “*hechengci*” “қўшма”, 并行的 “*bingxingde*” “параллель”, 联属的 “*lianshude*” “ўзаро боғланган”, 对待的 “*duidaide*” “антонимик”, 迭用的 “*dieyongde*” “такрорий”, 带语尾的 “*daiyuweide*” суффиксли.

Замонавий хитой тилининг сўз ясалиши бўйича муҳим ишлардан бири бўлиб Лу Чживейннинг 汉语的构词法 “*Hanyude goucifa*” - “Хитой тилининг сўз ясалиши” ҳисобланади. Лу Чживэй тобеълик, натижавий, феъл-объектли, субъект-предикатив, редупликатив ва аффиксал тузилмаларнинг таҳлилини келтиради. Лу Чживейнинг мазкур асарида хитой тилида мураккаб сўзни сўз бирикмасидан ажратиш муаммосининг концепцияси берилган. Гарчи иш муаллифи, унинг асари фақат сўз ясалишининг айрим амалий масалаларини ҳал қилишга бўлган уриниш эди, деб таъкидласада, монография замонавий

хитой тилининг сўз ясалиши назариясини ривожлантиришда муҳим босқич бўлди.

Лу Чживэйнинг 北京话单音词词汇 “Beijinghua danyinci cihui” - “Пекин диалектининг бир бўғинли лексикаси” бўлиб, унда у отларнинг 26 турини ажратиб кўрсатган, шунингдек, сўз компонентлари ўртасидаги муносабатларни инобатга олган холда, уларнинг таҳлилини келтирган.

Чжан Шоуканнинг сўз ясалиши бўйича монографияси ва мақолалари ҳам мураккаб назарий тадқиқотларни акс эттиради. Унинг 构词法 和 构刑法 “Goucifa he gouxingfa” - “Сўз ясалиши ва шакл ясалиши” монографиясида нафақат хитой тили сўз ясалишининг назарияси, балки унинг тадқиқ этилиш тарихи ҳам келтирилади.

Хитой тилининг сўз ясалиши назариясини ривожлантириш ҳақида сўз юритиб, рус лингвистларининг хитой тилшунослигининг ушбу бўлимини ривожлантиришга қўшган катта хиссасини эътироф этмай бўлмайди.

1930 йилда Е.Поливанов хитой тили структурасининг мавжудлигини, мураккаб сўзлар ва сўз бирикмаларидағи сўзларнинг компонентлари ўртасидаги муносабатларнинг бир турлилигини кўрсатиб берди. Хитой тилшунослигини ривожлантиришда, Е.Поливановнинг хитой сўзлари учун статистик устивор меъёр бўлиб икки бўғинлилик ҳисобланади³⁰, деган хулосаси муҳим бўлди. Тадқиқотчи учта сўз ясовчи моделини ёки инкорпорациясини ажратди: атрибутив-номланган, копулятив, феълли-объект модели. Кейинроқ И.Ошанин³¹ бу учта модельга замонавий хитой тилидаги мураккаб сўзларнинг яна иккита моделини: натижавий ва феъл-субъект моделини қўшди. Шу билан бирга айнан ушбу олим томонидан хитой тилида икки маъноли сўзлар - “биномлар”нинг кўринишлари ва турларининг таснифи келтириб ўтилди.

Хитой сўз ясалиши назариясини ишлаб чиқишига А.Драгунов³², Н.Коротков³³, В.Солнцев³⁴, Б.Исаенко³⁵, Н.Солнцева³⁶, С.Яхонтов³⁷, А.Семенас³⁸ ҳам катта хисса қўшганлар. Чунончи, В.Солнцев³⁹ чет эллик

³⁰ Иванов А., Поливанов Е. Грамматика современного китайского языка. – М., 1930. – С. 7

³¹ Ошанин И. Слово и части речи в китайском языке. – М., 1946. – 125 с.

³² Драгунов А. Грамматическая система современного китайского языка. – Л., 1962. – 270 с.

³³ Коротков Н. Основные особенности морфологического строя китайского языка. – М., 1968. – 400 с.

³⁴ Солнцев В. Очерки по современному китайскому языку. – М., 1957. – 204 с.

³⁵ Исаенко Б. К проблеме границ китайского слова. Опыт китайско–русского фонетического словаря. – М., 1957. – 145 с.

³⁶ Солнцева Н. Очерки по современному китайскому языку. – М., 1957. – 153 с.

³⁷ Яхонтов С. Категория глагола в китайском языке. – Л., 1957. – 181 с.

³⁸ Семенас А. Лексика китайского языка.– М.: Муравей, 2000. – 312 с.

хитойшунослигига биринчи марта сўз туркумлари конверсиясини замонавий хитой тилининг сўз яратилиши усулларидан бири сифатида ишлаб чиқди. Н.Коротков⁴⁰ сўз ясовчи моделлар структураси ва семантикасидаги қонуниятлари таърифлаб берди. Сўз ясалиши назарияси учун А.Драгунов, Н.Коротков, В.Солнцев, С.Яхонтов, Н.Солнцеваларнинг ишларида келтирилган изоляцияловчи турдаги тилларнинг морфологик тизимининг тавсифи муҳим ҳисобланади.

Россия хитойшунослигига хитой сўз ясалишига бағишлиган алоҳида ишлар мавжуд. Уларга Т.Задоенконинг⁴¹ “Замонавий хитой тилида натижавий феъллар”, О.Фролованинг⁴² “Замонавий хитой тилининг терминологик лексикасида сўз ясалиши”, А.Хаматованинг⁴³ “Замонавий хитой тилида сўз ясалиши”, А.Семенаснинг⁴⁴ тадқиқотлари киради.

Хитой тилида сўз ясалиши муаммоларининг хорижий тадқиқотлари орасида америкалик лингвист Чжао Юанъженни⁴⁵ эслатиб ўтиш керак.

Ўзбек хитойшунослиги мактабида хитой тилида сўз ясалиши муаммосига оид алоҳида тадқиқот иши мавжуд эмас. Бироқ, бир қатор ўзбек хитойшуносларнинг бу мавзуга оид мақолалари, илмий ишлари катта эътиборга лойик. Хусусан, М.Махмудходжаев⁴⁶, А.Ходжаев, А.Каримов⁴⁷, С.Носирова⁴⁸, С.Хашимова⁴⁹, Л.Султанова⁵⁰, Ж.Зиямухамедов⁵¹, И.Бекмуратов⁵² ва б.

Шуни таъкидлаш керакки, хитой тилининг сўз ясалишини ўрганишнинг узоқ тарихига қарамай, унинг кўп аспектлари ҳали етарлича, баъзилари эса

³⁹ Солнцев В. Очерки по современному китайскому языку. – М., 1957. – 204 с.

⁴⁰ Коротков Н. Основные особенности морфологического строя китайского языка. – М., 1968. – 400 с.

⁴¹ Задоенко Т., Хуан Шуин. Основы китайского языка (Основной курс). – М.: Наука, 1986. Т.2. – 245 с.

⁴² Фролова О. Словообразование в терминологической лексике современного китайского языка. – Н., 1981. – 132 с.

⁴³ Хаматова А. Словообразование современного китайского языка. – М.: Муравей, 2003. – 223 с.

⁴⁴ Семенас А. Лексикология современного китайского языка. – М.: Наука, 1992. – 277 с.

⁴⁵ Zhao Yuanren. Beijing kouyu yufa. – Xianggang, 1974. – 152 ye.

⁴⁶ Махмудходжаев М. Хитой тилшунослиги тарихи. – Т., 2004 й. – 25 б.

⁴⁷ Каримов А. Хитой тилидаги ҳисоб сўзлар: лексик–семантиқ, структурал ва функционал таҳлил. – Т.: ТошДШИ, 2003. – 119 б.

⁴⁸ Носирова С. Хитой тилининг ижтимоий–сиёсий ва дипломатик терминологияси. – Т.: Янги аср авлоди, 2011. – 150 б.

⁴⁹ Хашимова С. Ҳозирги хитой тилида редупликация. Т., 2012. – 114 б.

Хашимова С. Носирова С. Хитой тили грамматикаси. – Т.: Jahon Press, 2012. – 150 б.

⁵⁰ Зиямухамедов Ж. Хитой тили. – Т., 2009. – 240 б. – ҳаммауалифликда.

⁵¹ Султанова Л. Хитой тили. – Т., 2009. – 240 б. – ҳаммуалифликда.

⁵² Бекмуратов И. Хитой ёзуви ҳақида. – Т., 1996. – 65 б. – ҳаммуалифликда.

умуман ўрганилмаган. Сўз ясалиши муаммоларини ўрганиш эса хитой тили тўғрисидаги умумий маълумотларни чуқурлаштириш учун ҳам зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бердиалиев А. Ўзбек тилида сўз ясовчи қўшма аффикслар. Ф.ф.н.дис. – Т., 1970.
2. Драгунов А. Грамматическая система современного китайского языка. – Л., 1962.
3. Задоенко Т., Хуан Шуин. Основы китайского языка (Основной курс). – М.: Наука, 1986. Т.2.
4. Зиямухамедов Ж. Хитой тили. – Т., 2009. – 240 б. – ҳаммуалифликда.
5. Каримов А. Хитой тилидаги ҳисоб сўзлар: лексик–семантик, структурал ва функционал таҳлил. – Т.: ТошДШИ, 2003.
6. Коротков Н. Основные особенности морфологического строя китайского языка. – М., 1968.
7. Кубрякова Е. Что такое словообразование? – М., 1965.
8. Кубрякова Е. Типы языковых значений. Семантика производного слова. – М., 1981.
9. Кубрякова Е. Словообразование // Общее языкознание: Внутренняя структура слова. – М., 1972.
10. Махмудходжаев М. Хитой тилшунослиги тарихи. – Т., 2004 й. – 25 б.
11. Мирзакулов М. Ўзбек тилида сўз ясалиши маъноси ва парадигмаси. Автореферат. – Самарқанд, 1995.
12. Немченко В. Основные понятия словообразования в терминах. – К., 1985.
13. Носирова С. Хитой тилининг ижтимоий–сиёсий ва дипломатик терминологияси. – Т.: Янги аср авлоди, 2011.
14. Ғуломов А. Ўзбек тили грамматикаси. - 1-т., Т., 1975.
15. Раҳматуллаев Ш. Тил қурилишининг асосий бирликлари. – Т., 2002.
16. Реформатский А. Введение в языкознание – М., 1955.
17. Семенас А. Лексика китайского языка.– М.: Муравей, 2000.
18. Семенас А. Лексикология современного китайского языка. – М.: Наука, 1992.
19. Солнцев В. Очерки по современному китайскому языку. – М., 1957.
20. Султанова Л. Хитой тили. – Т., 2009. – 240 б. – ҳаммуалифликда
21. Фортунатов Ф. Сранительное языкознание // Избранные труды. Т.1. – М., 1956.
22. Степанова М. Словообразование немецкого языка. – М., 1953.
23. Фролова О. Словообразование в терминологической лексике

современного китайского языка. – Н., 1981

24. Хаматова А. Словообразование современного китайского языка. – М.: Муравей, 2003.
25. Хашимова С. Ҳозирги хитой тилида редупликация.- Т., 2012.
26. Хашимова С. Носирова С. Хитой тили грамматикаси. – Т.: Jahon Press, 2012.
27. Ҳожиев Ҳ. Ўзбек тили сўз ясалиш тизими. – Т., 2007.
28. Xun Chanxu. Hanyu cihui. – Changchun, 1956.
29. Marchand H. The Categories and types of Present Day English word formation. - Wissbaden, 1960.
30. Gao Yaoqi. Xiandai hanyu yufa. Henan, 1982.
31. 陆志韦。汉语构词法。北京, 1964。
32. Lu Zhiwei. Hanyude goucifa. – Beijing, 1957.
33. Ren Xueliang . Hanyu zaocifa. – Beijing, 1980.
34. Xun Chanxu. Hanyu cihui. – Changchun, 1956.
35. Zhang Jin. Ju, cizu, juzi. – Haerbing, 1984.
36. Zhang Shoukan Goucifa he gouxingfa. – Hubei, 1981.
37. Zhang Shoukan. Goucifa he gouxingfa. – Hubei, 1981.
38. Zhao Yuanren. Beijing kouyu yufa. – Xianggang, 1974.
39. 王赴航. 动词重叠研究方法. – Beijing.2003.